**Ушбу сонда:**
2 БОШ ҚОМУСИМИЗНИНГ демократик моҳияти
3 TV — ДАСТУРИ
4 ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 20 ноябр, шанба № 186 (1819)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

**26 декабр: сайловни очиқлик, ошкоралик, демократик руҳда, сайловчиларнинг фаол иштирокида ўтказайлик**



## ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКМАНИСТОН:
# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов 19 ноябр куни расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди**

Тарихи ва маданияти чамбарчас боғланган, тили ва дини бир ўзбек ва туркман халқлари минг йиллар давомида ёнма-ён яшаб келади. Бу икки халқ тараққиёт даврларини ҳам, зулму истибдод замонларини ҳам биргаликда бошдан кечирган.

Истиқлолга эришгандан кейин Ўзбекистон ва Туркманистон раҳбарларининг бир неча бор олий даражадаги учрашувлари ўтказилди. Бу саммитлар ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантиришга интилаётган мамлакатларимизнинг янгича асосдаги муносабатларига тамал тошини қўйди ва унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади.

Президент Сапармурот Ниёзовнинг Ўзбекистонга 1997 йилдаги расмий ташрифи асносида Хива шаҳрида буюк туркман шоири ва мутафаккири Махтумқулининг ҳайкали очилган эди. Бу бир-бирининг ижодкорлари асарларини таржимасиз ўқийдиган икки халқ маданий ҳаётида улкан воқеа бўлганди.

Туркман элининг сардори бу сафар пойтахтга эмас, Бухорои шарифга ташриф буюрди. Бунда ҳам чуқур маъно бор. Маданий меросимиз сингари азиз-авлиёларимиз, муқаддас қадамжоларимиз умумий эҳтиромда.

19 ноябр куни бу қадимий шаҳар аввал саммит мезбони -Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни кутиб олди. Сўнгра Туркманистон раҳбари келди.

Бухоро аэропортида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Анжуман Президентларнинг яккама-якка мусоҳабасидан бошланди. Ислом Каримов ва Сапармурот Ниёзов Ўзбекистон-Туркманистон ҳамкорлигига доир масалаларни муҳокама қилдилар. Айрим сув хўжалиги иншоотларидан ҳамкорликда фойдаланиш, Кўкдумалоқ конини ўзлаштириш истиқболлари, давлат чегарасини делимитация қилиш ва кўплаб бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Президентлар минтақавий ҳамкорлик, иқтисодий интеграция ва хавфсизлик масалалари, шунингдек, Афғонистондаги вазият юзасидан ҳам атрофлича фикр алмашдилар.

Олий даражадаги бу учрашув Ўзбекистон ва Туркманистоннинг ҳамкорлик йўлидаги интилишлари муштарак эканлигини кўрсатиши таъкидланиб, ушбу саммит икки томонлама муносабатлар ривожида янги босқични бошлаб беришига ишонч билдирилди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари асосий эътиборда бўлди.

Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми сўнгги йилларда ошиб бормоқда. Ўтган йили бу борадаги кўрсаткич 90 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 9 ойида 146,5 миллион доллардан ошди.

Мамлакатларимиз ўртасида транзит юк ташишда ўзаро хизмат кўрсатиш соҳасида мустаҳкам ҳамкорлик қарор топган. 2003 йили Ўзбекистон ҳудуди орқали Туркманистонга тегишли 1 миллион 894 минг тонна, жорий йилнинг 8 ойи давомида эса 1 миллион 255 минг тонна юк ташиб ўтилди. Ўзбекистоннинг Туркманистон ҳудуди орқали ўтган экспорт-импорт юклари ҳажми 2004 йилнинг 8 ойида 2 миллион 666 минг тоннани ташкил этди.

Кўрсаткичлар юксалаётганига қарамай, савдо-иқтисодий ҳамкорлик бобида имкониятлар тўлиқ ишга солинмаётгани музокарада алоҳида таъкидланди. Масалан, 1996 йилда тузилган қўшма комиссия фақат икки марта мажлис ўтказган. Ваҳоланки, имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш, ҳамкорликни рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш айнан мана шу комиссия зиммасига юкланган.

Аслида кундалик эҳтиёж моллари билан ҳам яхши савдони йўлга қўйиш, қўшма корхоналар сонини кўпайтириш мумкин. Нефтни қайта ишлаш ва кимё саноати, озиқ-овқат маҳсулотлари шулар сирасидан. Бу масала чуқурроқ таҳлил этилса, ҳамкорлик учун кенг фаолият майдони мавжуд эканлиги аён бўлади. Бу борадаги ҳаракатнинг ҳуқуқий таъминотига келсак, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиқдан қочиш, халқаро дарё, йўловчи ва юк ташиш алоқаси тўғрисида икки томонлама ҳужжатлар имзоланган. Иқтисодий ҳамкорликка оид йигирмадан зиёд ҳужжат мавжуд.

Музокарада тегишли вазирлик ва идораларга икки томонлама келишувлардан самарали фойдаланишнинг ва алоқаларни кенгайтиришнинг чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ишбилармонларнинг бевосита алоқаларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш вазифаларини топширишга келишиб олинди.

Ижтимоий соҳадаги алоқаларнинг ҳам ҳуқуқий пойдевори мустаҳкам. У маданият, таълим, сайёҳлик каби қатор соҳаларни қамраб олган. Ўзбекистонда туркманлар, Туркманистонда ўзбеклар истиқомат қилиши, кўп жойларда икки халқ вакиллари қуда-андалик, қариндошлик ришталари билан мустаҳкам боғлангани ҳам ижтимоий алоқаларни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистонда қатор маҳаллий ҳамда мамлакат миқёсидаги туркман миллий маданият маркази ишлаб турибди. Дарслар туркман тилида ҳам олиб бориладиган 66 мактабда 16 минг бола таълим олмоқда.

Ўзбекистон-Туркманистон муносабатлари ҳуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама мустаҳкамланган. Икки ўртада жами юздан зиёд ҳужжат қабул қилинган. Улар орасида ўзаро муносабатларнинг асосий тамойиллари акс эттирилган Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома асосий ўрин тутади. Ўзбекистон ва Туркманистон илм-фан, техника ва ахборот соҳаларида, ҳарбий-техникавий ҳамкорлик бўйича ва наркотик моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашга оид келишувларга ҳам эришган.

Давр тақозо қилган ўзгаришларга ўз вақтида ва тўғри ёндашиш Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатларда яхши таомилга айланган. Ислом Каримов ва Сапармурот Ниёзов Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасида дўстлик, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги шартнома, фуқароларнинг ўзаро қатновлари ва чегарабўйи вилоятларида яшовчи фуқароларга енгиллаштирилган қатнов тартиби тўғрисидаги ҳамда чегарабўйи вилоятлари ҳудудида жойлашган хўжалик объектларида хизмат қилувчи шахсларнинг Ўзбекистон-Туркманистон чегарасини кесиб ўтиши тўғрисидаги ҳукуматлараро битимларга имзо чекдилар.

Музокаралар якунида ўтказилган матбуот анжуманида Президентлар Ўзбекистон-Туркманистон чегараси дўстлик ва тинчлик чегараси эканлигини, саммит давомида имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасида узоқ муддатли ҳамкорликни барча йўналишларда кенг ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар. Мазкур учрашув икки мамлакат ўртасида баҳсли масалалар, ўзаро муносабатларда томонларни ташвишга соладиган муаммолар йўқлигини кўрсатди.

Сапармурот Ниёзов Туркманистон Ўзбекистон учун яхши қўшни бўлган ва доимо шундай бўлиб қолажагини алоҳида таъкидлади. Ислом Каримов «узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхши» деган ўзбек мақолини тилга олиб, муносабатлар шу асосда ривожланаётганини қайд этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзовга Асака шаҳридаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган «Ласетти» автомобилини совға қилди.

Расмий тадбирлар ниҳоясига етганидан кейин Ислом Каримов ва Сапармурот Ниёзов Баҳоуддин Нақшбанд мажмуини зиёрат қилдилар.

Олий мартабали меҳмон мазкур мажмуанинг бунёд этилиш тарихи, мамлакатимизда буюк аждодлар хотирасини тиклаш ва уларнинг меросини ўрганиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан таништирилди.

Сапармурот Ниёзов халқларимизнинг миллий-маданий қадриятлари бир-бири учун ғоят эъзозли эканлигини таъкидлади. Ўзбекистон раҳбариятининг бу борадаги саъй-ҳаракатларига юксак баҳо берди.

Шу билан Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзовнинг мамлакатимизга расмий ташрифи ниҳоясига етди.

**Анвар БОБОЕВ, Илҳом САФАРОВ, ЎзА махсус мухбирлари**

# ЎЗБЕКИСТОНДА 2004 ЙИЛ САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ХУСУСИЯТЛАРИ

*(Боши ўтган сонларда)*

* Сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи депутатликка номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида юз нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин.

* Сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили гуруҳни рўйхатга олишни илтимос қилиб, тегишли округ сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

* сайловчилар ташаббускор гуруҳи аъзоларининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, яшаш жойи манзили, паспортининг серияси ва тартиб рақами кўрсатилган рўйхат;

* сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг ваколатли вакил тайинлаш тўғрисидаги қарори ҳамда қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишонч қоғози;

* сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг депутатликка номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори ва баённомаси, унда номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги кўрсатилади.

Округ сайлов комиссияси ўзига тақдим этилган ҳужжатларнинг сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқлигини аниқлаб, ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида, такрорий сайлов ёки бўшаб қолган ўринларга Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови ўтказилаётган тақдирда эса уч кун ичида сайловчилар ташаббускор гуруҳини рўйхатга олиш тўғрисида ёки рўйхатга олишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳи рўйхатга олинганлиги тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин гуруҳнинг ваколатли вакили тегишли рўйхатга олинганлик гувоҳномаси ҳамда имзо варақаларининг белгиланган намунадаги бланкалари берилади.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳини рўйхатга олиш рад этилган тақдирда округ сайлов комиссияси асослантирилган жавоб беради.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳи ўзининг ваколатли вакилига рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилганидан кейингина депутатликка номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзосини тўплашга ҳақли. Бу санага қадар тўпланган имзолар ҳисобга олинмайди.

Депутатликка номзод кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳи округ сайловчилари умумий сонининг камида саккиз фоизи миқдорида номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўплаши, бунда имзолаётган фуқаролар миқдори ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича мутаносиб равишда тақсимланган бўлиши шарт.

Имзо варақалари шаклини Марказий сайлов комиссияси белгилайди. Имзо варақасида депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги кўрсатилади.

*(Давоми 2-бетда)*

# БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

*(Боши ўтган сонларда)*

**57-савол. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатасига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига кимлар эга. Кимлар бу каби ҳуқуқлардан маҳрум этилиши мумкин?**

Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови умумийдир. Сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадилар.

Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган фуқаролар эгадирлар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар.

**58-савол. Судланганлиги олиб ташланган фуқаролар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларига эгами?**

Янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасида депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар ўз ифодасини топган бўлиб, унга кўра, «содир этилган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар» депутатликка номзод бўла олмаслиги қайд этилган.

Демак, судланганлиги олиб ташланган фуқаролар нафақат сайлаш балки сайланиш ҳуқуқидан ҳам тўлиқ фойдаланиши учун ҳуқуқий асослар мавжуд.

*(Давоми 2-бетда)*

***Пойтахтимиздаги «Dedeman Silk Road» меҳмонхонасида Халқаро таълим кўргазмаси очилди. У АҚШнинг юртимиздаги элчихонаси ташаббуси билан ташкил этилди.***

## ХАЛҚАРО ТАЪЛИМ КЎРГАЗМАСИ

Ушбу кўргазма мактаб ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари ҳамда ўқитувчиларига хорижий мамлакатларда мавжуд таълим олиш имкониятлари ҳақида маълумот беради. Бу ерда юртимизда фаолият кўрсатаётган йигирмадан ортиқ элчихона, халқаро ташкилот ўзининг таълим алишув дастури билан иштирок этяпти. Айниқса, АҚШ, Германия, Япония, Ҳиндистон каби давлатларнинг кадрлар тайёрлаш соҳасидаги лойиҳалари, таълим дастурлари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Мазкур Халқаро таълим кўргазмаси «Халқаро таълим ҳафтаси» деб номланган кенг миқёсдаги лойиҳанинг бир қисми бўлиб, 15-19 ноябр кунлари бутун дунёда кенг нишонланди.

*Республика касаба уюшмалари тадбирлари*

# МЕҲР НУРИ ЁҒАР ДОИМ

Инсон қалби гулдан нозик. Уни авайлаб асраш, меҳр кўрсатиш зарур. Яшашдан мақсад ҳам яхши ном ва яхши амаллар қолдириш эмасми?! Зеро, меҳр кўрган қалбларда ёмонлик бўлмайди, бугун бировга кўрсатилган меҳр, эртага албатта эзгулик бўлиб қайтади.

Аҳолининг кам таъминланган, мурувваталаб қатламини янада кучли ижтимоий ҳимояга олиш ҳукумат сиёсати даражасига кўтарилганлиги мамлакатимизда инсон омилига берилаётган катта эътибор ва меҳрибонликдан далолатдир. Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Меҳр ва мурувват йилида меҳнаткашлар, айниқса, ёшлар, кам таъминланган, кўп болали оилалар, боқувчисини йўқотган инсонлар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, етим болалар, ногиронларни ҳар доимгидан ҳам кучлироқ ижтимоий ҳимояга олишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Куни кеча Жиззах вилояти Зарбдор туманидаги заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернати тарбияланувчилари учун ташкил этилган хайрия тадбири фикримиз далилидир.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсатининг ижроия қўмитаси қарорига мувофиқ ташкил этилган ушбу тадбир кўплаб кўнгли ярим болалар қалбида эзгулик нурини ёқди.



Касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга миллий қадриятларимиз ҳамда маънавиятимизни юксалтириш, мурувваталаб инсонларга меҳр-мурувват кўрсатиш маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш, меҳнаткашлар, уларнинг фарзандларини соғломлаштириш ва дам олдириш, оммавий спортга жалб этиш орқали саломатликларини мустаҳкамлаш билан боғлиқ вазифаларни ҳам амалга ошириб келмоқда, - дейди Федерация маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Асқарали Султонов. - Меҳр-шафқат, одамларга эзгулик улашиш, раҳмдиллик, оқибат кўрсатиш ўзбек халқининг энг ноёб фазилатидир. Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳам Президентимиз ташаббуси билан эълон қилинган Давлат дастури асосида тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, меҳнаткашларнинг мурувваталаб қатламига доимий равишда моддий ва маънавий мадад бериб келмоқда.

Таъкидлаш лозимки, ҳар бир йилнинг чуқур фалсафий номлар билан аталиши ва улар асосида ишлаб чиқилаётган давлат дастурлари бир-бирининг узвий давомидир.



Шу маънода «Меҳр ва мурувват йили» Давлат дастури ҳам кўп йилларга мўлжалланган тадбирлар мажмуидир. Энг нуфузли жамоат ташкилоти ушбу йўналишдаги ишларни бундан кейин ҳам юқори савияда давом эттириб, ёрдамга муҳтож ва мурувваталаб инсонларни доимий равишда эътиборда тутади.

Шу куни мазкур махсус мактаб-интернатнинг 154 нафар тарбияланувчисига 3 миллион сўмлик хайр-эҳсон ёрдами кўрсатилди. Қишки мавсумга мўлжалланган иссиқ спорт кийими ва уст-боши, этиклар, қишки пойабзал ҳадя этилди. Бу хайрли ва эзгу ишга Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Курортлар бошқармаси ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Болакайлар кўзида қувонч порлади. Айниқса, тадбирда ташкил этилган концерт дастурида янги кийим-бошларини кўз-кўз қилаётгандек беғубор рақсга тушаётган болажонларнинг кўнгиллари тоғдек кўтарилди. Байрам концерти тугагач ўзбекона дастурхон тузалиб, ош тортилди.

Тадбирда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Курортлар бошқармаси, Жиззах вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ҳамда Зарбдор туман ҳокимлиги вакиллари иштирок этиб, болажонларга самимий тилакларини билдирдилар.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот котиби**

**Ғулом ХИДИРОВ, олган суратлар**

## ЖАЖЖИЛАРГА АТАЛГАН КУН

Бойсун туманидаги 12-болалар Меҳрибонлик уйига Сурхондарё вилоятидаги ҳарбий қисмлар, қуролли кучлар ҳарбий прокуратураси ва бошқа махсус бўлимларнинг вакиллари ташриф буюришди.

Бу ерда тарбияланаётган 150 нафарга яқин болани, уларнинг тарбияси ва парвариши билан шуғулланаётган мутасаддиларни жануби-ғарбий махсус ҳарбий округи қўмондони ўринбосари, полковник Алижон Собиров Ҳайит байрами билан самимий муборакбод этди. Шунингдек, болаларни Бойсун тумани ҳокими Эркин Бойниёзов, Термиз ҳарбий прокурори ўринбосари, майор Анвар Ўтаевлар байрам билан қутлашди. Шундан сўнг Термиз ҳарбий гарнизони ҳарбий оркестри болажонлар учун концерт дастурини намойиш этди. Болаларда, айниқса, вилоятдан ташриф буюрган қўғирчоқ театрининг "Бойчечакнинг ўгити" спектакли катта таассурот қолдирди.

Меҳрибонлик уйига ташриф буюрганлар болалар учун қарийб бир миллион олти юз минг сўмлик спорт анжомлари, кузги ва қишки пойабзаллар, пайпоқ ва бош кийимлари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини совға сифатида беришди.

Шу куни Меҳрибонлик уйида вилоят болалар жамғармаси, вилоят халқ таълими бошқармаси, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг вилоят бўлими "Гиёҳвандликка қарши кураш" мавзуида семинар-тренинг ўтказишди.

**"Туркистон-пресс"**

# БОШ ҚОМУСИМИЗНИНГ демократик моҳияти

***Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси дунёнинг бир қатор ривожланган давлатлари мутахассислари ва нуфузли халқаро ташкилотлар экспертларининг синчков назаридан ўтиб, жаҳондаги энг демократик конституциялардан бири сифатида эътироф этилган.***




Фикримизнинг далили сифатида аввало таниқли хорижий экспертлар Конституциямизга берган баҳоларидан айримларини Бош Қомусимизнинг ўн икки йиллик байрами муносабати билан яна бир тилга олиб ўтишни мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Хусусан, америкалик олим Дональд С.Карлайлнинг эътироф этишича: «Ўзбекистоннинг Конституцияси собиқ иттифоқдош давлатлар конституциялари орасида биринчидир. Бошқа барча Мустақил Ҳамдўстлик Давлатлари ва Болтиқбўйи давлатларида конституциялар кейинроқ, яъни 1992-1996 йилларда қабул қилинди. Конституция ўзбек жамияти ва давлатининг барча энг муҳим соҳаларини тартибга солади. Қисқалиги ва аниқ ифодаланганлиги, шунингдек, ўзига хос тузилиши билан ажралиб туради. У дунёдаги энг мақбул тузилишга эга конституциялардан биридир».

Россиялик мутахассис Н.Мишин шундай ёзади: «Асосий Қонунда инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига содиқлик, ҳозирги ва келажак авлодлар олдида чуқур масъулиятни ҳис этиш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибаларига таяниш, демократия ва қонунийликка ҳурмат, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларини тан олиш, Ўзбекистонда муносиб ҳаётни таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий давлат яратиш ва ниҳоят, мустаҳкам фуқаровий тинчлик ҳамда миллий келишувни таъминлаш каби эзгу ниятлар ўз аксини топган».

«Конституцияда ҳозирги замон жамиятлари учун уларнинг сиёсий-ҳуқуқий ташкил этилиши нуқтаи назаридан зарур бўлган деярли барча нарса мавжуд, – деб қайд этади германиялик ҳуқуқшунос профессор Л.Левитин. – Узоқ йиллар давомида тоталитар-мустабид тузумнинг хомхаёл-демократик ниқоби бўлиб келган турли кўринишдаги «шўрочиликлар» барҳам топган».

Асосий Қонунимизга нисбатан бундай юксак ва холис баҳолар берилиши бежиз эмас, албатта. Эътибор беринг-а, ўшанда ҳам, ҳозиргача ҳам ҳеч ким, ҳаттоки бизни умуман хуш кўрмайдиган кишилар ҳам Конституциямизнинг демократик моҳиятини инкор эта олишмади.

Табиийки бир савол туғилади: хўш, бунинг сабаби нимада?

**Биринчидан,** бизнинг Конституция том маънода демократик Конституциядир. Тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойил ва нормаларини ўзида мужассам этган ҳужжатдир.

**Иккичидан,** бизнинг Конституция энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг конституциявий тажрибасига таянган ҳолда яратилган. Бунда қайсидир давлатнинг тайёр Конституциясини кўр-кўрона кўчириб олиш йўлидан борилмай, балки энг илғор хорижий давлатларнинг 97 та Конституциясини ўрганиб, унинг ижобий жиҳатларини эътиборга олдик. Натижада Бош Қомусимиз дунё миқёсида ҳам ҳар қандай тараққий топган давлат Конституцияси билан бемалол куч синашмоқда.

**Учинчидан,** Конституциянинг ғоя ва нормалари ўзбек халқининг теран тарихий илдизларига асосланган бўлиб, у кўп асрлик тажриба ва маънавий қадриятларни, улуғ аждодларимизнинг ҳуқуқий меросини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Конституцияси умумий мазмунидан тортиб, ҳар бир моддаси ва бандига қадар Ал-Бухорий, ат-Термизий, Фаробий, Мотуридий, Марғиноний, Яссавий каби улуғ боболаримиз даврида, буюк Амир Темур замонида шаклланган миллий тафаккурни, сиёсий-ҳуқуқий қадриятларни ўзида акс эттиради.

Шу кўҳна замин одамлари кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик, тантилик каби миллий менталитетимизга хос улуғ хислатлар бу Асосий Қомусимизда муносиб даражада ўз аксини топган. Конституцияни яратишда унинг мазмун-моҳиятида фуқароларимизнинг аҳиллиги, халқимизга хос одамийлик, умуминсоний қадриятларга ихлос каби ибратли сифатлар ўз аксини топган. Унда юртимизга хос қардошлик ва дўстлик анъаналари, ўзининг бой ва теран тарихига эга бўлмиш халқларнинг ўзаро тотувлиги ва қўшничилиги, миллатлараро ва динлараро бағрикенглик тамойиллари ҳам муҳим ўрин тутади.

Бизнинг Конституциямиз эски тоталитар-мустабидлик тузумидан, ўзини ҳаётда мутлақо оқламаган, касодга учраган, миси чиққан тизимдан воз кечиб, янги, замонавий ва эркин ҳаётимизни ҳар тарафлама ҳуқуқий ҳимоя этишимизга хизмат қилмоқда.

Асосий Қонунимизда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади, дейилган. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси мақомига кўтарилиши мумкин эмас. Бу конституциявий қоида бизнинг олдимизга миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкурасини яратиш вазифасини қўйди.

Эндиликда миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимиз ва шууримизга теран сингдириш йўлида хизмат қилмоқда.

Мустақил давлатимизда бундан ўн икки йил аввал Бош Қомусимиз қабул қилинар экан, юқорида таъкидлаганимиздек, жаҳон ҳамжамиятига ўзининг демократик ғояларга, ижтимоий адолат тамойилларига амал қилишини, дунё томонидан тан олинган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига содиқ бўлишини яққол намоён қилган эди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, юртимизда бошланган муҳим сиёсий тадбир – икки палатали парламентга ўтиш, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар асосий ҳуқуқий негизи Конституциямиз экани ҳам Асосий Қонунимизнинг демократик мазмун-моҳиятидан яна бир далолатдир. 2002 йил 27 январдаги умумхалқ референдуми натижалари асосида Конституциямизга икки палатали парламентни конституциявий мақомини белгилаб беришга қаратилган ўзгартиришлар киритилди. Бу эса Асосий Қомусимизни ҳаётий эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Шу маънода Ўзбекистон Конституциясига бевосита ҳаракатдаги қонун, ҳуқуқ деб баҳо бериш мумкин.

**Акмал САИДОВ,**
**юридик фанлари доктори, профессор**



# ЎЗБЕКИСТОНДА 2004 ЙИЛ САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ХУСУСИЯТЛАРИ

*(Боши 1-бетда)*

Сайловчилар фақат битта депутатликка номзодни қўллаб-қувватлаб, бир мартагина имзо қўйишга ҳақли. Бунда сайловчи ўз фамилиясини, исмини, отасининг исмини, туғилган йилини (ёши 18 да бўлса, қўшимча равишда туғилган куни ва ойини), яшаш жойи манзилини, паспортининг серияси ва тартиб рақамини, шунингдек, имзо қўйган санани кўрсатади.

Имзо варақасини сайловчилар ташаббускор гуруҳининг имзо тўплаган аъзоси, шунингдек сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили ўз фамилияси, исми, отасининг исмини, яшаш жойи манзилини, паспортининг серияси ва тартиб рақамини кўрсатган ҳолда тасдиқлайди.

Сайловчилар имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа жойларда олиб борилади. Имзо тўплаётган шахс томонидан сайловчиларни мажбур қилиш ва уларни пора эвазига ўзига оғдириб олишнинг ҳар қандай шакли қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Имзо тўплаш тамомланганидан сўнг сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича алоҳида-алоҳида қилиб тикилган имзо варақаларини тегишли округ сайлов комиссиясига топширади. Округ сайлов комиссияси имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириб кўради ва беш кунлик муддат ичида такрорий сайлов ёки бўшаб қолган ўринларга Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови ўтказилаётган тақдирда эса уч кунлик муддат ичида тегишли баённомани Марказий сайлов комиссиясига топширади.

Сиёсий партиянинг раҳбари, сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили депутатликка номзодларни рўйхатга олишни илтимос қилиб, Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

* сиёсий партия юқори органининг, сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги қарори;

* сиёсий партия юқори органи мажлисининг, сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, унда депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги, шунингдек сайлов округининг номи ва тартиб рақами кўрсатилади;

* депутатликка номзоднинг ўз номзоди тегишли сайлов округидан овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси.

* депутатликка номзоднинг, башарти у Қонунчилик палатаси депутати этиб сайлангудек бўлса, бажариб турган ишидан (хизматидан) бўшаш тўғрисидаги аризаси.

* Ҳужжатларни тақдим этган шахсга Марказий сайлов комиссияси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана ва вақт кўрсатилган маълумотнома беради.

**Зумрад ЙЎЛДОШЕВА,**
**ҳуқуқшунос**

*(Давоми бор)*

# БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

*(Боши 1-бетда)*

**59-савол. Маҳаллий ва хорижий кузатувчилар тўғрисидаги маълумотларни Округ сайлов комиссиясига кимлар ва қачон тавсия этади?**

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Манфаатдор ташкилотлар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ўз кузатувчилари тўғрисида Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларига сайловга камида ўн беш кун қолганида маълум қиладилар.

Округ сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган намунадаги мандатни манфаатдор ташкилотдан, сайловчилар ташаббускор гуруҳидан ариза олинганидан кейин кузатувчига беш кун ичида беради. Янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддаси.

**60-савол. Кузатувчилар учун амалдаги Қонунда қандай фаолиятлар тақиқланган?**

Кузатувчиларга қуйидагилар ман этилади:

* сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;

* сайловчиларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиёти тарқатиш;

* сайловчилардан улар кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга сайлов бюллетенига белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;

* участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан, сайлов қутиларини муҳрлашда, уларни очишда, овозларни санаб чиқишда аралашиш.

**61-савол. Кузатувчилар қандай ҳуқуқларга эга?**

Кузатувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

* депутатликка номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;

* сайлов участкасида ҳозир бўлиш ҳамда тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов қутиларининг жойлаштирилиши ва муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиш;

* овозларни санаб чиқишда ва участка сайлов комиссиясининг баённомаларини тузишда ҳозир бўлиш;

* сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраш ва уларни олиш;

* агар сайлов участкасида ушбу Қонуннинг бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида юқори сайлов комиссиясига маълум қилиш.

**62-савол. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларидан кенг аҳоли қатлами қандай тартибда бохабар бўлиши мумкин?**

Амалдаги Қонунда белгиланганидек, сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақтидан воқиф этадилар, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништирадилар. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қиладилар.

**63-савол. Сайлов комиссиялари қайси ҳолатларда қарорлар қабул қиладилар?**

Участка сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва овоз беришни ташкил этиш масалалари юзасидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади.

*(Давоми бор)*

***Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?***

# ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ

***Бугунги кунда пойтахтимиз аҳолиси метро хизматидан энг кўп фойдаланаётгани ҳеч кимга сир эмас. Чунки у энг қулай, тезкор транспорт воситасидир. Хўш, ана шу жойда меҳнат қилаётган кишиларга яратилган шарт-шароитлар етарлими? Уларнинг заҳматли меҳнати қадр топаяптими?***

– Участкамизда олтита станция мавжуд бўлиб, юздан зиёд ходим хизмат қилади, – дейди Тошкент метрополитени бош бошқармаси, «Ўзбекистон йўналиши» тушумлари йиғими хизмати бошлиғи Элла Халиулина. – Уларнинг асосий қисмини хотин-қизлар ташкил этади. Йўловчилар билан хушмуомала бўлиш бизнинг ишимизда жуда муҳим ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ишга қабул қилинаётган ҳар бир ходимга бу жиҳатлар яхшилаб тушунтирилади. Зеро, йўловчилар хизматимиздан мамнун бўлиши керак.

Таъкидлаш ўринлики, метрополитен ходимларига етарли даражада шарт-шароитлар яратилган. Уларга бепул ёзги ва қишки махсус кийимлар берилади. Ўртача иш ҳақи 60-70 минг сўм. Асосийси, ойлик маошлар ўз вақтида тарқатилмоқда. Бундан ташқари, ходимлар ҳамда уларнинг фарзандларини соғломлаштиришга ҳам катта эътибор қаратиляпти. Ўнлаб ишчи-хизматчилар «Чимён», «Чорток» сингари республикамизнинг сўлим санаторий-профилакторийлари йўлланмалари билан таъминланди. Бу йилги ёзги соғломлаштириш мавсумида кўплаб болажонлар «Хумсон», «Трамвайчи» оромгоҳларида мириқиб ҳордиқ чиқаришди. Ҳар хил қизиқарли тадбирлар, кўрик-танловлар ўтказиш ҳам яхши анъанага айланган. Бу ишларнинг барчасига касаба уюшма қўмитаси бош-қош бўлаётир.

Йўловчилр орасида ҳар хил тоифадаги, характердаги одамлар бор. Ҳатто, баъзан турли сохта ҳужжатлардан фойдаланувчилар ҳам учраб туради. Шунинг учун ҳам метро ходимлари, жумладан операторлар бирмунча ҳушёр ва босиқ бўлишлари лозим. «Тошкент» бекати оператори Севара Исроилова ана шу юксак масъулиятни ҳис қилиб меҳнат қилади. Бекат бўйича ҳар уч ойда «Энг фаол оператор» танлови ўтказиб келинмоқда. Йил бошидан бери С.Исроилова ана шу танловда икки маротаба ғолиб, деб топилиб, пул мукофоти билан тақдирланди.

Дарвоқе, бу ерда кўп йиллардан бери меҳнат қилаётган тажрибали ходимлар кўпчиликни ташкил этади. Улар сафига кўплаб ёшлар ҳам келиб қўшилишяпти. Қувонарлиси, устоз-шогирд анъанаси яхши йўлга қўйилган. Кўп йиллик малакага эга бўлган фахрий ходимлар ёшларга ўз иш тажрибаларидан сабоқ беришади. Шунингдек, Тошкент метрополитени коллежи талабалари ҳам участкада тез-тез бўлиб, иш ўрганишади. Жамоада яхши ишлаб, бошқаларга ўрнак бўлаётганлар ҳам кўп. Улардан катта оператор Лариса Бегова, операторлар Галина Белкина, Рухсора Мусаевалар кўпчиликка ўрнак бўлишяпти.

Бир сўз билан айтганда, участка ходимлари Тошкент шаҳри ва меҳмонлари узоғини яқин қилишга, уларга сифатли, намунали хизмат кўрсатишга бел боғлаган. Бунинг учун астойдил ҳаракат қилинаётганлиги боис режалар ўз вақтида бажарилмоқда.

**Иззат АҲМЕДОВ**

# БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

«Туркистон» саройида мамлакатимиз педиатрларининг бешинчи съезди очилди. Унда мамлакатимиз олим ва мутахассислари билан бирга АҚШ, Россия, Англия, Ироқ ва Қозоғистондан келган вакиллар ҳам иштирок этаётир.

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида аҳолини ҳар томонлама ижтимоий ҳимоялаш, улғайиб келаётган авлодни баркамол тарбиялаш, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини муҳофазалаш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди. Бу йўналишда ишлаб чиқилган давлат дастурларида белгиланган вазифалар ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани туфайли оналар ва болалар ўлими кескин камаймоқда.

Республикамиз аҳолисининг қарийб қирқ фоизини 14 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Эллик минг нафардан зиёд болалар шифокори, ўрта тиббиёт ходими, икки мингдан кўпроқ поликлиника, касалхона, умумий даволаш муассасалари бўлимлари, кўплаб спорт иншоотлари фаолияти болалар саломатлигини муҳофазалаш ва мустаҳкамлашга қаратилган.

Шунингдек, жамиятда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, болалар спортини ривожлантириш, оилада тиббий маданиятни юксалтиришга қаратилаётган эътибор замирида ҳам маънавий етук ва жисмонан соғлом авлодни камолга етказиш мақсади мужассам.

Съездда педиатрлар малака ва маҳоратини янада ошириш, болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини юксалтириш, соҳада илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланишга бағишланган маърузалар тингланади.

Анжуманнинг очилишида Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқди.

**(ЎзА)**

# «САЙЛОВ-2004: ЭЛЕКТРОН МАЪЛУМОТНОМА»

Тошкент Давлат юридик институти олим ва мутахассислари «Сайлов 2004: электрон маълумотнома» мультимедиа вариантини ўзбек ва рус тилларида тайёрлади. У Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг VIII сессиясидаги икки палатали парламент тизимини шакллантиришнинг устувор масалаларига бағишланган маърузаси билан очилади.

Маълумотномада сайлов комиссияларини тузиш, депутатликка номзодлар кўрсатиш ва сайловчиларнинг овоз бериш тартиби, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ишончли вакил ва кузатувчилар мақомига оид маълумотлар берилган.

Электрон маълумотномага Ўзбекистон Республикасининг сайловга доир қонунлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари уларга киритилган сўнгги ўзгартиш ва қўшимчалар билан жойлаштирилган. Мультимедиани ишлашда чиройли дизайн ва овоз эффектларидан унумли фойдаланилган.

**(ЎзА)**

# ЯНГИ МАРКАЗ

***Андижондаги Бобур номидаги кутубхонада ҳуқуқий ахборот маркази ва нодавлат нотижорат ташкилотларни ахборот билан таъминловчи марказ очилди.***

— Бу марказларни тузишда АҚШ давлат департаментининг таълим ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти (ECA), халқаро текширув ҳамда алмашув кенгаши IREX ёрдам берди, — деди кутубхона директори Ҳафизахон Каримова. — Марказга мурожаат этган барча фуқароларга бепул хизмат кўрсатилади. Ноябр ойининг охирида шаҳар мактабларининг ўқувчилари иштирокида "Болалар ҳуқуқлари Конвенцияси" қабул қилинганлигининг 15 йиллиги муносабати билан "Кўз ўнгингдаги ҳақиқат" деб номланган тадбир ўтказилади. Тадбир ғолиблари ҳомийларнинг совғалари билан тақдирланади. Марказда янги тузилаётган корхона учун зарур бўладиган ҳужжатлар ҳақида, халқаро уюшмаларнинг танловлари ва гранти ҳақида маълумот олиш мумкин. Бу марказ кутубхонага ўзининг сайтини тузишда ҳам ёрдам беради.

**"Туркистон-пресс"**

*Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик*

# ДАЪВОГАР ТАЛАБИ ҚОНДИРИЛДИ

***Фуқаро Ф.Пардаев Оҳангарон шаҳар коммунал фойдаланиш бошқармасига 2003 йилнинг октябрида ҳуқуқшунос вазифасига уч ой муддатга ишга қабул қилинган эди. Шартнома муддати жорий йил январ ойи бошида тугаган бўлса-да, корхона ҳуқуқшуноси муайян муддатга ишга олинган бўлишига қарамасдан, иш берувчи билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки ўзгартириш масаласини муҳокама қилмаган. Оқибатда ишга келмаса-да, судга ишга тиклаш ҳамда иш берувчидан ишсиз юрган вақти учун иш ҳақи ундириш ҳақида даъво билан мурожаат этган. Афсуски, даъво асоссиз бўлганлиги учун суднинг ҳал қилув қарорига асосан ушбу ариза рад этилди.***

Ишчи-хизматчини ишга қабул қилишда иш берувчи ғайриқонуний равишда меҳнат шартномасини тузишдан бош тортишига ёки инкор этишига йўл қўйилмайди. Меҳнат Кодексининг 78-моддасига кўра, бундай ҳолатлар фуқароларни жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ҳолати ва бирор-бир диний мансублигига қараб, иш берувчи томонидан таклиф қилинган шахсларни ишга қабул қилмасликка, уларни маълум гуруҳга олдиндан белгилашга меъёр бўйича тузилган шартнома асосида ишга қабул қилмасликка йўл қўйилмайди. Ҳомиладор уч ёшга тўлмаган фарзанди бор аёлларни қонунчиликда белгиланмаган асосларда ишга қабул қилмаслик мумкин эмас. Кўрсатиб ўтилган ҳолатлар бўйича тарафлар ўртасидаги муносабатдан келиб чиқадиган низолар одатда фуқаролик ишлари суд амалиётида кам учрайди.

Иш берувчи МКнинг 84-85 моддалари асосида ходимга топширилаётган ишга лаёқатлилигини текшириб кўриши, шартлашилган ишни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида бир қарорга келишлиги учун синов шарти билан меҳнат шартномасини тузиши ёки дастлабки синов муддатини белгилаши мумкин. Дастлабки синов муддатлари шартнома шартларидан келиб чиқиб, ишчи-ходимга топширилаётган иш ҳажмининг мураккаблиги ва алоҳида малака талаб этишига қараб, уч ой муддатга белгиланиши мумкин. Афсуски, ҳамма иш берувчи ҳам ушбу муддатни билавермайди.

Хусусан, Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи томонидан Ангрен шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими мудирининг болалар шифохонаси бош шифокори иш бўйича ўтказилган текшириш якунига кўра, уни ўз вазифасида қолдириш ҳақида тақдимнома киритиб, К.Эрбутаевага нисбатан олти ой синов муддатини белгилаш, камчиликлар такрорланса ишдан бўшатиш ҳақида кўрсатама берилган. Бироқ маълум вазифада ишлаб келаётган ходимга ушбу синов муддатини белгилаш амалдаги қонунчиликда назарда тутилган эмас. Иш берувчининг бу буйруғи эса Ўзбекистон Республикаси МКнинг 85—105 моддалари талабига зиддир.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча корхона, муассаса ва ташкилотларда иш берувчи билан ишчи-ходимлар ўртасидаги меҳнат шартномаларининг бекор қилиш асослари, тартиби асосан МКнинг 97-107 моддаларида белгиланган. Қонунда эътироф этилишича, эътирозлардан ташқари бирор важлар билан тарафлар ўртасидаги меҳнат шартномасини бекор қилинишига йўл қўйилмайди. Шунга қарамасдан, амалда умуммажбурий қоида ва тартиблар баъзан ҳар икки тараф томонидан бузиб келинаётганлиги ачинарли ҳолдир.

«Оҳангароншифер» ҳиссадорлик жамияти маъмурияти ишлаб чиқаришни бозор иқтисодиёти асосида ташкил этиш, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этишни жадаллаштирувчи услубиётини йўлга қўйиш мақсадида жорий йил октябрида айрим гуруҳ ишчи-хизматчи штатини қисқартириш чора-тадбирларини белгилаган. Лекин штаталарни қисқартириш жараёни, яъни қайси иш жойларда штат бирлигини қисқартириш, касаба уюшмаси билан келишиш ва айнан кимларни вазифасидан озод қилиш масаласи ҳал этилмаган. Натижада ходимлар ўзларини ишдан бўшаган ҳисоблашиб, турли идораларга шикоят билан мурожаат этишган. Даъвогарлар Н.Боситхонова, Ш.Тўйчибоевлар шулар жумласидандир.

Иш берувчилар томонидан амалдаги қонунчиликка зид равишда ишчи ва ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳоллари ҳамон учраб турибди. Оҳангарон шаҳридаги «Саховат уйи» бошлиғи у билан тузилган меҳнат шартномаси ноқонуний бекор қилинганлиги боис, судга даъво ариза билан мурожаат этиб, ўз вазифасига қайта тиклашни ва келтирилган зарарни ундиришликни сўраган. Масала одилона ўрганиб чиқилиб, буйруқ ғайриқонуний, деб топилди. Даъвогар эса ўз вазифасига тикланди.

Суд томонидан меҳнат муносабатларидан келиб чиқадиган ишларни кўриш амалиётда кўпгина ҳолларда ҳар икки томоннинг, айниқса, иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилишда бундай муносабатларни тартибга солувчи қонун талабларини билмаслиги ёки риоя этмасликлари оқибатида содир этилаётган юқоридаги қонунбузилишлар барчамизга сабоқ бўлмоғи лозим.

**М.НИЁЗОВ,**
**Фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро суди раиси**

